Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 135 (5726).
14 ИЮНЬ 1985 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ДЎСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

Совет ҳукуматининг таклифига биноан СССРга расмий дўстона визит билан ташриф буюрган ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВҲР мудофаа министри генерал-полковник Иштван Олах бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикаси ҳарбий делегацияси Ўзбекистонга келди.

13 июнь куни И. Олахни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев қабул қилди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбатда И. Олахга мамлакат бўйлаб сафаро қилишида ҳамроҳлик қилаётган СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари — Варшава Шартномасига аъзо бўлган давлатлар Бирлашган Қуролли Кучлари бош қўмондони, Совет Иттифоқи Маршали В. К. Куликов, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Н. И. Попов, бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Венгрия ҳарбий делегацияси В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртини бориб кўрди. Меҳмонлар мамлакатдаги энг кўҳна офицер кадрлар тайёрлаш масканида ўқув жараёнининг ташкил этилиши билан танишдилар. Билим юртида бўлиб ўтган митингда Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган давлатлар армияларининг жанговар ҳамкорлигинг мустаҳкамлашга, империалист агрессорларнинг кирдикорларига қатъият билан қарши туришга аҳд қилганликлари таъкидланди.

Венгрия делегацияси В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар, парадлар қиёбонидаги номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди.

ВҲР ҳарбий делегацияси В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи жанговар шон-шуҳрат музейида бўлди. Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди. (ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Тошкентда 13 июнь куни очилган қишлоқ касаба союз комитетлари раисларининг икки кунлик семинари қатнашчилари қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантиришда, Озиқ-овқат программасини амалга оширишда Ўзбекистон касаба союз ташкилотларининг вазифаларини муҳокама қилмоқдалар.

Семинарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов нутқ сўзлади.

● Тошкент Олий партия мактаби партия ва совет ходимлари малакасини ошириш республикалараро курсида тингловчиларнинг навбатдаги группаси машғулотларни тугаллади. Қишлоқ район партия комитетларининг иккинчи секретарлари, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетлари ва область партия комитетлари ташкилий-партиявий ишлар бўлимларининг масъул ходимлари таълим олдилар.

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ — ПАРТИЯ АНЖУМАНИГА

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАН

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ МЕҲНАТКАШЛАРИ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИНИНГ ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ТАВСИЯЛАРИНИ ҚИЗҒИН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР.

КПСС Марказий Комитетидаги фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларн бўйича кенгашда, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришнинг муҳим вазифаларн қўйилди. «Ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулот сифатини оширишнинг ҳамма резервларини қидириб топиб, ишга солиш, — деб таъкидлади ўртоқ М. С. Горбачев, — ҳозирги энг муҳим вазифадир».

Бу йўналишда ишлаб чиқариш коллективлари, рационализаторларнинг ижодий группаларн, олимлар кўп нарсаларга қодирдир. Фан-техника тараққиёти имкониятларидан тўла фойдаланиш меҳнат унумдорлигини тез ва сезиларли даражада ошириш, буюмларнинг, товарларнинг сифатини яхшилаш имконини беради. Натижада катта капитал маблағларсиз, уларни ўзлаштиришга вақт сарфламай турнб, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди, совет кишиларининг фаровонлиги янада ошади.

Тошкентда бу йўналишда муайян ишлар олиб борилмоқда. Аммо фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига узлуксиз, изчил эътибор бериш лозим. Ишлаб чиқаришнинг барча резервларини ишга солиб, 1985 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини ортиғи билан бажариш муҳимдир. Бу бизнинг КПСС XXVII съездига муносиб совғамиз бўлади.

ЯНГИ СЕРИЯДАГИ УЙЛАР

Зонал илмий-тадқиқот ва уй-жой бинолари марказий экспериментал лойиҳа илмий-тадқиқот институтларининг ижодий коллективлари Тошкентда бунёд этиладиган тўққиз қаватли уй-жой биноларининг янги сериями лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Сергели районидаги Тошкент ҳажмли-блокли уйсозлик заводи ишга туширилиши билан ана шу сериянинг элементларини тайёрлаб чиқариш бошланади.

Ана шу сериянинг асосий конструктив элементлари «ётган стакан» типидаги ҳажмли блоклардан иборатдир. У юпқа деворли кенг монолит конструкциялардан иборат бўлиб, қурилиш ишини анча тезлаштиради. Бу блоклар пол, бўғот ва учта девордан иборат. Булар битта қолиплаш машинасида бир йўла қуйилади. Блокларнинг ҳовли томонга қараган девори алоҳида тайёрланади ва блокка мустаҳкамланади. Ҳажмли блоклар қурилиш майдонига ички пардоз ишлари тўла тугалланган ва инженерлик ускуналари монтажланган ҳолда олиб келинади.

Бу янги серияда ҳал этилган муаммолар уйларнинг зилзилага бардошлилигини таъминлайди ва йирик панелли уйларга нисбатан квартираларнинг планировкасини ҳал этишни осонлаштиради, бинонинг олд томони кўркамлигини оширади.

Бу серияни архитекторлар И. Абдулов, М. Дўсмуҳамедов, Р. Мирзаев ва инженерлар Р. Насриддинов, В. Ципишев, В. Сениговецлардан иборат авторлар коллективи ишлаб чиққан.

ЭКОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Қурғоқчил зоналарда суғориладиган деҳқончиликнинг экологик проблемаларига бағишланган халқаро семинар қатнашчилари Ўзбекистон ирригаторларининг тажрибасини ўргандилар. Семинар БМТнинг атроф-муҳит программасига мувофиқ ўтказилмоқда.

Семинар иштирокчилари — Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг мутахассислари Ўзбекистонда йирик ер массивларини комплекс ўзлаштиришнинг ташкил этилиши, суғориш ва зовур системаларини лойиҳалаш ва қуриш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш методлари билан танишдилар. Улар Мирзачўл, Жиззах дашти ва Самарқанд области гидротехника объектларида бўлдилар, қурғоқчил территориялардаги суғоришга экологик таъсир ўтказиш проблемалари билан шуғулланаётган республика етакчи мутахассислари, олимларининг лекцияларини тингладилар.

(ЎзТАГ).

● ЎЗБЕКИСТОНДА ГФР КУНЛАРИ

КЎРГАЗМАЛАР, УЧРАШУВЛАР, СУҲБАТЛАР

Ўзбекистонда Қуйи Саксония ўлкаси вакиллари иштирокида Германия Федератив Республикаси кунлари давом этмоқда.


Тошкентда очилган графика ва чинни, архитектура кўргазмалари, Бухорода очилган ана шу ўлка рассомлари плакатларининг экспозицияси республика меҳнаткашларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

13 июнь куни Тошкентдаги «Зарафшон» ресторани биносида яна бир кўргазма очилди. Энди Қуйи Саксониянинг қандолатчи усталари ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар.

ГФР билан СССР алоқаларига кўмаклашувчи Қуйи Саксония жамиятининг активлари Ўзбекистон бўйлаб сафарни давом эттирмоқдалар. Улар Бухоро, Самарқанд, Чирчиқ меҳнаткашлари ҳаёти билан танишмоқдалар.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮНЬ (1983 йил) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА



МУҲИМ ЭЪТИБОР

Тошкентдаги ўраш ва қадоқлаш ускуналари тажриба-конструкторлик ва технология бюросида иқтисодий ўқувга муҳим эътибор берилмоқда. Иқтисодий қонунларни яхши билиш, ундан фойдалана олиш ишда яқиндан ёрдам беради. Агарда назария коллективнинг амалий фаолияти билан узвий боғланган бўлса, айниқса муҳимдир. Пропагандист, бўлим мудири В. Дорин ўз жамоатчилик топшириғига айнан шундай ёндошади. У машғулотларни баъзан бевосита иш жойларида ташкил этади. Бунда илгари ўтилган назарий материалларни тингловчилар ишлаб чиқаришдаги амалий фаолият билан мустаҳкамлайдилар.

Ўқув йили яқинлашгани сари пропагандист-дарснинг тингловчилар билан учрашувлари давом этяпти. Ҳозир улар КПСС Марказий Комитетидаги фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари бўйича кенгаш материалларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг ана шу кенгашдаги докладини ўрганишга киришдилар.

СУРАТДА: пропагандист В. Дорин иқтисодий таълим тўгараги тингловчилари давраси да. Т. Карямов фотоси.

ИЖОДИЙ АКТИВЛИК МЕЗОНИ

«Средазкабель» бирлашмасида иқтисодий таълим системасида 15 та конкрет экономика ва 28 та коммунистик меҳнат мактаби иш олиб борди.

Ишлаб чиқариш бўлинмаларида «Меҳнат коллективи: бошқариш, интизом, тарбия», «Меҳнатни ташкил этишнинг коллектив формалари», «Бригада хўжалик ҳисоби» сингари курслар ўрганилди.

1984 йилдан бошлаб бирлашма кенг миқёсда иқтисодий эксперимент шароитида иш олиб боряпти. Унга тайёргарлик жараёнида раҳбар кадрлар, мутахассислар, мастерлар, таълимнинг бутун системаси пропагандистларининг ўқуви ўтказилди.

Завод бошқармаси инженер-техник ходимлари учун иқтисодий таълим системасида ниҳоясига етган ўқув йилида қуйидаги махсус курслар киритилди: экономика хизмати ходимлари учун «Хўжалик механизми: саноатда иқтисодий эксперимент», бошқарма аппаратининг техника хизмати ходимлари учун «Иқтисодий эксперимент шароитларида илмий-техника тараққиётини бошқариш» курслари ўрганилди. Иқтисодий таълим системасида иқтисодий билимлар халқ университети иш олиб борди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачёв «Партия иқтисодий снёсатининг туб масаласи» докладида баён этган муҳим қоидалар тингловчилар учун актуал аҳамиятга эгадир.

Ўқув йили бошларида иқтисодий таълим бўйича методик совет ўрганилаётган курслар бўйича махсус материаллар тайёрлади. Графиклар ишлаб чиқилди. Ниҳоясига етган ўқув йилида партия кабинети билан биргаликда пропагандистлар учун иккита семинар, назарий конференция ўтказилди. Совет бирлашманинг иш якунлари бўйича статистика материалларини тайёрлаб бермоқда. Бирлашмада инженер-техник ходимларнинг иқтисодий таълим системасида ҳар бир тингловчи ўрганилаётган программанинг айрим мавзулар бўйича актив тайёргарлик кўрди. Бунда уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти йўналиши ҳисобга олинди. Одатдагидек, тингловчи доклад қилади. У машғулотда муфассал муҳокама этилади. Пропагандист эса умумлашма-хулосалар чиқаради. Агар докладда проблема чуқур ва тўла очиб берилмаса, тингловчилар қўшимча ахборот олиш учун саволлар тузишлари мумкин. Тингловчиларнинг бундай таклифлари уларнинг ижодий активлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам биз махсус форма юритиб, бу саволларни ўрганамиз. Уларнинг қанчалик актуаллигини, корхонада амалга оширса бўладими, йўқми, шуни кўриб чиқамиз. Ҳар бир таклиф ёнида албатта иқтисодий кўрсаткичлар ҳам келтирилади. Масалан, мослиявий манбаи, реализация ҳаражатлари, таклифни жорий этишдан йилига қанча иқтисодий самара олиниши, таклифнинг нимага қаратилганлиги ва бошқа жиҳатлари ифода этилади. Муаллифлар берган таклифларнинг сони ва сифати уларнинг ижодий активлигига баҳо беришда албатта ҳисобга олинади. Олинган таклифлар асосида биз келгусидаги ишларни планлаштириш учун муҳим ахборот базасига эга бўламиз. Инженер-техник ходимлар, конкрет экономика мактаби тингловчиларининг илмий-техника ахборотларини муттасил ўрганиб боришлари эса берилаётган таклифларнинг сони ва сифатига таъсир кўрсатмоқда.

Масалан, 1984 йилда конкрет экономика мактабининг тингловчилари, 30 дан зиёд ташкилий-техникав и й таклифлар беришди. Бу 95 минг сўмдан зиёд иқтисодий самара келтирди. Конкрет экономика мактаби пропагандисти Н. Козлитин, тингловчи Ш. Хамитовнинг А. Ярцев билан биргаликда киритган таклифлари кўплаб иқтисодий самара келтирди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми талабларидан келиб чиқиб, иқтисодий таълим совети ишига баҳо берсак, ҳали коллективимизда иқтисодий таълим корхонанинг иш натижаларига етарлича таъсир этмаётганлигини кўрамиз. Бирлашмада дастгоҳларнинг плансиз бўш туриб қолиши туфайли иш вақтини йўқотишлар содир бўлиб турибди. Муҳим ишлаб чиқариш коллективи яратиш борасида ҳам кўпгина резервлар бор. Бригадага хўжалик ҳисоби ҳали етарлича суръат билан жорий этилмаяпти.

Иқтисодий таълимни янада такомиллаштириш мақсадида совет бир қатор тадбирлар ишлаб чиқди. Бунда асосий эътибор раҳбар ва инженер-техник ходимларнинг иқтисодий билимларни пропаганда қилишдаги ролини кучайтиришга қаратилган. Демак, бунда ўқишнинг хўжалик фаолияти практикаси узвий боғланишини таъминлаш имкони туғилади.

Н. ВАЛЕЕВА,
«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси иқтисодий таълим советининг аъзоси.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Шу кунларда Тошкентнинг барча ишлаб чиқариш коллективларида яхши меҳнат кайфияти ҳукмрон. КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Меҳнат вахтасининг ҳар бир ўн кунлиги зарбдор суръат билан ишонланяпти. Республика пойтахтининг меҳнаткашлари ўз фикр-ўйлари ва муваффақиятларини фан-техника тараққиётини тезлаштириш соҳасида туб ўзгаришлар белгиланган режалари билан ёнма-ён қўйишмоқда. КПСС Марказий Комитетидаги шу масалага бағишланган кенгашда ҳам идеологик ва пропаганда ишлари олдида аниқ ва масъулиятли фаолият жабҳаси очилаяпти, деб таъкидланган эди. Ушбу сўзларнинг актуаллиги ва аҳамияти КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленумининг қарорлари билан узвий боғлиқ. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев унга баҳо бериб шундай деган эди: «Пленум идеология ишини биринчи ўринга чиқариб қўйиб, идеологиянн тафаккур, ҳаракат ва тарбия соҳасида экинига кенг социал назар билан қарашни таъкидлаб, идеология ишининг узоқ муддатли новаторлик концепциясини ишлаб чиқди, партиянинг ғоявий турмушида янги сафна очди». КПСС ишлаб чиққан бош йўналиш партия ташкилотларининг амалий ишлари ва планларида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларида, кадрлар снёсатида, идеоологня масалаларини ҳал этишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга комплекс ёндошишда ўз ифодасини топди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорлари марксча-ленинча таълим системасини такомиллаштиришга катта таъсир кўрсатди. Ҳозир, партия ўқувн тугалланаётган ва меҳнаткашлар иқтисодий таълимн системасида якунловчи машғулотлар бўлиб ўтган бир пайтда, айниқса яққол кўринib турибди.

Пленум қарорлари руҳида машғулотлар амалиётга яқинлаштирилган ҳолда олиб бориляпти, юзакичилик кўринишларига барҳам берилятн. Шаҳар партия ташкилотларида пропагандистларни танлаш ва ўқитиш такомиллашмоқда, коммунистларнинг ўз снёсий билимини ошириш усулидан тўлароқ фойдаланиляпти.

Ягона снёсий кунларни кенг кўламда ўтказиш яхши натижалар бермоқда. Меҳнаткашларнинг снёсий докладчилар билан учрашувлари аҳолининг кенг қатламларини олдинда турган режалар ва вазифалар билан яхшироқ хабардор қилиш, меҳнат коллективларининг ҳаётига чуқур кириб бориш, меҳнаткашларнинг шикоят ва таклифларини таҳлил этиш, улар юзасидан оператив чоралар кўриш имконини бермоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми раҳбарлар эътиборини коллективда тарбиявий иш учун масъулиятни ошириш лозимлигига қаратди. Бу соҳада ижобий мисоллар оз эмас. Жумладан Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлинмаларнинг раҳбарларн И. Муҳаммаджонов, В. Данилов ва бошқаларни энг яхши пропагандистлар снфатида тилга олдилар. «Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг барча раҳбарларини «Билим» жамиятининг аъзоларн деса бўлади. Улар шунчаки аъзо эмаслар. Уларнинг сафида Н. Горшенин, С. Жумаев, А. Дьяконенко, М. Ёқубов каби актив пропагандистлар ёз эмас.

Бир мақсадга қаратилган, планли идеологик фаолият ўз самараларини бермоқда. «Миконд» заводида «КПСС XXVII съездига —27 зарбдор ўн кунлик» шиори остидаги социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Зеро, шаҳар бошланғич партия ташкилотлари жанговарлик кўрнги айнан шу билан бошланади. Идеологня ишн яхши йўлга қўйилганлиги билан В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқарнш бирлашмаси, «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи ва бошқа корхоналар меҳнат коллективларининг муваффақиятлари ўртасида узвий алоқа бор.

Шу билан бирга камчилик ва нуқсонларга кўз юммб бўлмайди. Баъзан ўқилган лекциялар, суҳбатлар фақат ҳисобот ва рапортлар учун ўтказилганлиги маълум бўлади. Жонли, амалий иш эса кўринмайди. Янги урф-одатларни кенг ёйиш, кишилар онгидаги зарарли тушунчаларни тугатиш, ҳаётимиздан ичкиликбозлик каби ёмон иллатни йўқотиш соҳасидаги фаолиятимизни ҳам жиддий яхшилаш лозим.

Иқтисодий вазифалар, фан-техника тараққиётининг муаммолари биздан эришилган натижалар билан чекланмасликни талаб қилади. Шу кун талабларини энг муҳим идеологик масалаларнни ҳал этиш билан мустаҳкам боғлаб олиб боргинимиздагина биз олга томон муваффақиятли ҳаракат қилишимиз мумкин. Ҳар соҳадагидек бу йўналишда ҳам коммунистларнинг авангардлик роли ўз кучини кўрсатиши зарур. Партия ташкилотларида бўлиб ўтадиган ҳисобот ва сайловлар арафасида, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун қизғин тараддуд кўрилаётган шу кунларда айнан коммунистлар уюшқоқлик ва интизомда намуна бўлишлари лозим.

НАЗОРАТЧИЛАР КЕНГАШМОҚДА

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачёвнинг «Партия иқтисодий снёсатининг туб масаласи» докладида илгари сурилган муҳим масалаларни ҳал этишда халқ контролёрларининг роли бениҳоя катта. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни бошқариш, иқтисод ва тежамкорлик учун курашни бу ўринда энг муҳим вазифалардан деб ҳисоблаш лозим.

Мазкур масалаларни ҳал этишда назоратчилар партия ташкилотларининг мададини яқиндан ҳис этишмоқда. Бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ва халқ контроли группалари раисларининг кеча бўлиб ўтган кенгашида ана шу ҳақда гапирилди. Кенгашда СССР Халқ контроли комитетининг «Халқ контроли группалари томонидан текширишларни ўтказиш практикаси тўғрисида»ги қарори асосида Октябрь район халқ контролёрларининг вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Кенгашда сўзга чиққан Октябрь район халқ контроли комитетининг раиси А. Ваҳобов, «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотининг секретари Г. Обидов, 1-шаҳар касалхонаси халқ контроли группасининг раиси В. Лопатко, «Главташкентстрой» 159-трести халқ контроли группасининг раиси Н. Эргашева партия ташкилотлари халқ контроли группаларининг ишига доимий эътибор бераётганликлари ҳақида гапирдилар. Кенгашда группалар назоратни амалга ошириш ва ижронинг текширилиши бўйича муайян ишларни олиб бораётганликлари таъкидланди. Улар ишлаб чиқаришнинг турли участкаларидаги, бошқариш ва хизмат кўрсатишдаги аҳволни чуқур тушунадиган, ўз ҳуқуқларидан тўлароқ фойдаланадиган бўлиб қолдилар. Уларнинг таклиф ва тавсиялари самараси салмоқлироқ бўлиб бормоқда.

Текширишни назоратнинг асосий кўриниши эканлигини назарда тутиб, деб таъкидладилар сўзга чиққанлар, планлаштиришга катта аҳамият бермоқ керак. Текшириш учун масалаларни танлаб олишда директив органларнинг кўрсатмаларига, давлат планларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот маълумотларига, партия ташкилотларининг топшириқларига амал қилиш лозим. Улар ихтиёрига бериб қўйилган ҳуқуқлардан тўлароқ фойдаланиш, интизомсизлик, халқ мулкига хўжасизларча муносабатнинг ҳар қандай кўринишларига принципиал муносабатда бўлиш зарур.

Кенгаш ишида Тошкент область халқ контроли комитетининг раиси Б. Камолов, Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари О. Асқаров иштирок этдилар ва сўзга чиқдилар.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

● Абразив буюмлари заводида меҳнат ветерани, цех партия ташкилотининг секретари Валентина Николаевна Гречко КПСС XXVII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, июнь ойининг икки ўн кунлик топшириғини муддатидан олдин бажарди. Цехда қаттиқлиги жиҳатидан олмосдан қолишмайдиган замонавий материал — эльбор ишлаб чиқарилмоқда. Илғор ишчи смена топшириқларини 114—115 процент қилиб бажармоқда.

● Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида енгил саноат корхоналарида моддий ресурсларни тежаб сарфлашга бағишлаб очилган кўргазма томошабинлар диққатини жалб этмоқда. Соҳа корхоналари биргина ўтган йилнинг ўзида икки юзга яқин рационализаторлик таклифини ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Тежаб қолиқаётган хом ашёдан кўплаб миллион сўмлик қўшимча истеъмол буюмлари тайёрлаб чиқарилмоқда.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб совт 11 да Тошкентда 30 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 20—22, эртага кундузи 37—39 даража иссиқ бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА

«Ёшларни партия ва халқимизнинг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбияламоқ лозим».

[Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан].

• Ветеранлар — ҳамиша сафда

ПАРТИЯНИНГ ЖАНГОВАР ЁРДАМЧИЛАРИ

● КОММУНИСТИК ПАРТИЯ ИШИГА САДОҚАТ ● АВЛОДЛАР ЭСТАФЕТАСИ ● ВЕТЕРАНЛАР ИБРАТИ — ЁШ АВЛОД УЧУН ИЛҲОМБАХШ НАМУНА ● ВАТАН МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ.

Тошкентнинг партия ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари беш йилликнинг бунёдкорлик одимларига, КПССнинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун тайёргарликка катта ҳисса қўшмоқдалар.

Биринчи беш йилликларда қатнашган, Ватанни фашист босқинчиларидан ҳимоя қилган ўнлаб оташин пропагандистлар ва агитаторлар бугунги кунда саноат бирлашмаларининг коллективларига, мактаблар ва студентларнинг аудиторияларига партия сўзини етказмоқдалар, унинг сиёсатини тушунтириб бермоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари ҳаётга қандай татбиқ этилаётгани ҳақида ҳикоя қилиб бермоқдалар. Ҳозир улар КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорларини пропаганда қилиш бўйича лекциялар туркумини тайёрлашди.

Ветеранлар — мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, чақирув пунктларида тез-тез меҳмон бўлишади. Айтиш мумкинки, шаҳардаги биронта ижтимоий-сиёсий тадбир уларнинг иштирокисиз ўтмайди. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Чунки, айнан улар авлодларнинг жонли алоқасини амалга оширишади, ёшларни оталарнинг жанговар, революцион ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашади.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик кунларида ветеранлар шанбаликларда, парклар ва хиёбонлар барпо этишда, митинглар ва намойишларда иштирок этишди. Худди ана шу ишлаб чиқаришда ва партиявий ишда ўнлаб йил ишлаган, Ватаннинг юксак мукофотлари билан тақдирланган кишилар мактаб ўқувчиларига қизил галстуклар тақиб қўйишлари, ёш ишчиларга наказлар беришлари, ёш солдатларга оқ йўл тилашлари яхши анъанага айланди.

Ҳозир улар КПССнинг XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олиш, ўн биринчи беш йиллик планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга меҳнаткашларни сафарбар этишда шаҳар партия ташкилотига ёрдам кўрсатишни ўзларининг бош вазифалари деб билмоқдалар. Партия ва уруш ветеранлари активининг В. И. Ленин Марказий музейи филиалида бўлиб ўтган йиғилишида шу ҳақда сўз юритилди. Йиғилишни партия ветеранлари шаҳар Советининг раиси Ш. Иброҳимова олиб борди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин доклад қилди.

— Шаҳар партия ташкилоти республика пойтахти меҳнаткашлари олдида турган масъулиятли вазифаларни ҳал этишда катта ҳаёт мактабидан ўтган, меҳнат ва ижтимоий ишда улкан тажриба тўплаган кишиларнинг, ветеранларнинг тажрибасига ҳамиша суянади, — деди у.

Учрашув қатнашчилари кўрсатиб ўтишганидек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленуми ҳар бир партия ташкилоти учун конкрет вазифаларни аниқлаб берди. Навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари уларнинг жанговарлигини оширишга ёрдам бермоғи лозим. Йиғилишларни тайёрлаш ва ўтказишда ветеранлар фаол иштирок этишади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан кейин шаҳар партия ташкилоти ишида анчагина ўзгаришлар бўлди, лекин бу ҳали дастлабки одимлардир,— бу фикр йиғилиш барча қатнашчиларининг нутқларида қизил ип бўлиб ўтди. Ҳисобот-сайлов кампанияси даврида саноатдаги, хизмат кўрсатиш соҳасидаги аҳвол танқид ва ўзўзини танқид руҳида таҳлил этилмоғи лозим. Коммунистлар янада унумли, янада самарали ишлаш учун нималар қилинмоғи лозимлигини конкрет аниқлаб олмоқлари керак. Интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, ҳар бир меҳнат коллективида ички резервлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Худди ана шу масалаларни ҳал этишда партия ташкилотлари ҳисобида турган партия ва Улуғ Ватан уруши ветеранларининг тажрибаси кўл келади. Шаҳарнинг ўнлаб корхоналарида бўлиб ўтаётган партия ташкилотлари жанговарлиги кўриги уларнинг ёрдами қанчалик самарали эканлигини кўрсатди. Деярли барча тузилган комиссиялар ишида партиявий ва меҳнат стажи ўнлаб йиллардан иборат бўлган, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган кишилар фаол қатнашишяпти.

Коллективларда, шунингдек, турар жойларда ёшларни тарбиялаш бўйича вазифалар, республика ва мамлакат коммунистларининг навбатдаги анжуманига тайёргарликка қўшиладиган ҳисса ҳақидаги ўз фикр ва мулоҳазалари билан кекса коммунистлар И. С. Секретарев, Р. М. Қориев, К. Е. Житов, Б. Х. Эргашев ўртоқлашдилар. Улар ишонч билдиришдики, минглаб тошкентлик ветеранлар ишончни оқлашади, партиянинг жанговар ёрдамчилари бўлишади, шаҳар партия ташкилоти олдида турган вазифаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшишади.

Н. КОРЧАГИНА.



СУРАТДА: партия ва уруш ветеранлари активининг В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалида бўлиб ўтган йиғилиши қатнашчиларидан бир группаси.

Т. Каримов фотоси.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

тошкент оқшоми ХАБАРЛАР

• Коммунистнинг шахсий намунаси

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Салтанат опа 1947 йилдан бери «Ўртоқ» кондитер фабрикасида ишлаб келмоқда. Қорачадан келган, ўрта бўйли бу аёл фабрика коллективи фахрини қозонганлардан саналади. У ҳозирги кунларда конфет цехида смена мастери. Салтанат опа Зиёмуҳамедова фабрикага келган илк кунларини шундай эслайди:

— У вақтда ҳамма ишларни қўлда бажарардик. Кунига фабрика 15 тоннадан конфет берарди. Кейин 1950 йилда ирис машинаси келди. Жиҳозлаб, ўзлаштириб олдик. Ҳозирги кунда, қаранг, 100—102 тоннадан ҳамшаҳарларимизга ҳар хил конфетлардан жўнатяпмиз.

1947 йилда ФЗУни тугатиб фабрикада лаборантка бўлиб ишга кирган ёш қиз кейинчалик смена химиги бўлди. Москвада малака ошириш курсида бир ой ўқиб келганидан кейин эса бригадир — инструктор бўлди. 10 йил комсомолёшлар бригадасига раҳбарлик қилди.

Салтанат опа фабриканинг ветеран ишчиларидан. У 40 дан ортиқ шогирд тайёрлаган. Фабрика мураббийлар советининг раисидир. Ҳамкасбларидан — КПСС аъзоси Фарида Исамуҳамедова, Зулфия Азизова, Зоя Иванова, Малика Бекмуҳамедова, Нина Гусевалар ишидан миннатдор. Салтанат опа 1955 йилдан КПСС аъзосидир. Шогирдларидан Нина Макаренко ирис цехида мастер. Эфросия Никитина, Гулчеҳра Комилбекова, Муборак Қўчқорова, Дилором Расулевалар устозларига ўхшаб, меҳнатда шахсий намуна кўрсатмоқдалар.

Корхонада Салтанат опани суюб бизнинг «Роза» деб чақиришади. Салтанат опа 1971 йилда Ленин ордени, 1981 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. 1962 йилда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. У СССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони билан тақдирланган. 1957 йилдан 1965 йилгача Киров район Совети депутати бўлган. Бир неча марта у тайёрлаган «Оқ олтин», «Гулнора» конфетлари учун Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг биринчи даражали дипломи билан мукофотланган.

— Касбимдан ҳурсандман, — дейди Салтанат опа, — фабрика менинг иккинчи уйим ҳисобланади. Шундай шароитни яратиб берган партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат.

С. Зиёмуҳамедова касбига меҳр қўйиб, эл ҳурматини қозонаётган минглаб аёлларнинг биридир. «Коммунистик меҳнат зарбдори», «Мусобақа аълочиси, йиллик зарбдори бўлган бу илғор ишчи меҳнатдан чинакам бахт топди. Ҳа, ундан ибрат олса арзийди.

Ҳ. ИНОҒОМОВ,
ишчи мухбир,

КПСС XXVII съезди шарафига бошланган 27 зарбдор ун кунликда шаҳримизнинг саноат корхоналари ишчилари актив иштирок этишмоқда. Мавлуда Абдосова —«Узторцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмасининг рангли металлар цехида меҳнат қиладн. Съезд олдн вахтасида туриб меҳнат қилаётган беш йиллик илғори смена топшириқларини ортиғи билан бажариб келаётир. Корхонада ташкил этилган мусобақада байроқдорлик қилаётган Мавлуда ўз касбининг устаси сифатида ҳам ҳамкасблари ўртасида обрў қозонган.

Ёш ишчи меҳнат унумдорлигини кун сайин ошира бориб, фақат сифатли маҳсулот тайёрлашга алоҳида эътибор бераяпти. Меҳнатнитизомига қатъий амал қилган Мавлуда Абдосова иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бу эса ёш ишчи эришаётган ютуқларни янада самарали бўлишини таъминлаётир.

СУРАТДА: беш йиллик илғори Мавлуда Абдосова.

М. Нурниддинов фотоси.

2 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

14 ИЮНЬ, 1985 й.

● ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

ЯНГИ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯЛАРИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу йилнинг бошида «1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда телефон алоқасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда хизматини ривожлантириш бўйича тадбирлар тўғрисида» қабул қилган қарори 1986—2000 йиллар мобайнида аҳоли учун кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизматни ривожлантириш борасида ишлаб чиқарилаётган комплекс программанинг таркибий қисмидир.

Ана шу программа асосида икки миллиондан зиёд аҳолиси бўлган Тошкент шаҳрининг телефон алоқасига бўлган талабини қондириш мақсадида турли районларда янги автомат телефон станциялари қурилиши олиб борилмоқда. «Қорасув—2» уй-жой массивида 10 минг номерли 65-АТС, Лисунов кўчасида эса ана шундай қувватли 97-АТС бинолари қурилмоқда.

М. ПУЛАТОВ.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

ҚИЗИҚАРЛИ КЎРГАЗМА

Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида ўзбек совет адабиётининг йирик вакили Ойбек таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб кўргазма очилди.

Кўргазмадан адибнинг қўлёзма асарлари, турли йилларда нашр этилган китоблари, фотолар ва текстли материаллар кенг ўрин олган. Айниқса рассом А. Абдуллаевнинг «Ойбек» портрети муносиб тасвирий санъат асарларидан ҳисобланади.

Кўргазмада бадиий сўз устасининг 30 га яқин асари кўзга кўринарли жойдан ўрин олган. Унинг «Болалик», «Нур қидириб», «Қутлуғ қон», «Навоий» каби қисса ва романларининг дастлабки нашрлари намуналари диққатни жалб этади.

Юбилей муносабати билан Ойбек ҳаётн ва ижодини акс эттирувчи зарварақ босмадан чиққани муносиб совға бўлди.

Х. ШАМСИЕВА, музей ходими.

...МАҚТАЙДИ...

БАРАКА ТОПСИН

— Шоҳида опа, уйдамисиз. Мана иккала ўғлингиздан хат олиб келдим, — дейди почтальон ичкарига кираркан, опахонга хатларни узатиб.

— Умрингдан барака топ, Қумри. Бу хатларни кўпдан бери орзиқиб кутаётган эдим.

Эрталаб чойга йиғилган Исмоиловлар хонадонига бу хатлар олам-олам қувонч олиб кирди.

Илғор меҳнат кишилари элда эъзозланади. Коммунистик меҳнат зарбдори, социалистик мусобақа аълочиси Қумри Абдуллаева 34-алоқа бўлимида бир неча йилдан бери ишлаб, ёшларга мураббийлик қилмоқда. Ҳар куни Қумри опа ўрта ҳисобда 1140 та газета-журнал, 800 та хат тарқатади. Унинг хизматидан худди Шоҳида опа каби барча мамнун.

И. УСМОНОВ, хизматчи.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

КЎПЧИЛИК ҚИДИРГАН БИЛЕТ

Ҳар сафар транспортга чиққанда йўл ҳақи тўлашга шошилиб юргандан кўра ойлик билет билан юриш йўловчига жуда қулай. Кимга қанақа билмайман, лекин мен ана шу ойлик билетдан фойдаланишга жуда ўрганиб қолганман.

Ўтган ойда ана шундай билет қидириб кўпчилик бекатларда жойлашган билет сотиш киоскаларида бўлдим. Санъат музейи, Максим Горький номли болалар боғи, Революция ҳиёбони бекатларидаги билет сотиш участкаларида ойлик билетни қидириб топа олмадим. Бундай билетни фақат мен эмас, кўпчилик қидириб юрган экан. Бизнинг «Главташпассавтотранс» ва трамвай-троллейбус бошқармасидан илтимосимиз шуки, ана шундай ойлик билетларни кложи борича кўпроқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйишса.

М. АҲМЕДОВ, йўловчи.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

«ВАҚТИНЧА ИШЛАМАЙДИ»

Ҳамза районидаги 1-уйсозлик комбинати территориясида 7963/0315 омонат кассаси мавжуд. Бу омонат кассаси кўпинча ишламайди. 14 майдан 29 майгача эшигига қулф осилди. Пул қўйиш ёки олишга, квартира ҳақи тўлашга келганлар ҳар куни таъбларн хира бўлиб қайтишади.

Омонат кассаси эшигига ёпиштириб қўйилган эълонда «Касса вақтинча ишламайди» деб ёзиб қўйилган. Лекин бу вақтинча ишламаслик чўзилиб кетди-ку.

С. ХАБИБУЛЛИНА, пенсионер.

• Ички ликбозликка ўт очайлик!

ЖАМИЯТ ОЛДИДА ҚАРЗДОРЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИНИНГ, ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ, «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»НИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ



— Липитников, эс-ҳушингни йиғиб ол!

Вячеслав Николаевич бу сўзни кўп марта эшитди. Лекин у бу сўзларга парво қилмади, қалбига, ақлига етиб бормади. Липитников ичганича ичаверди. Ҳозир эса ёш бўлишига қарамай, чўкиб қолган бир қарияни эслатади: ранги қорайиб кетган, юзига ажин тушган, қўллари қалтирайди. Бу ҳолда қандай ишлаши ҳам мумкин... Ҳозир илғаригидек кўп ичмаяпти. Аммо унга инсонийлик қиёфасини йўқотиш учун, бемаъни иш қилиши учун бир қултум винонинг ўзи кифоя. Шундай бўлди ҳам. Липитников панжара ортида ўтирди. Кейинроқ унга ишонч билдиришга аҳд қилинди ва уни Тошкент «Компрессор» заводига меҳнат-аҳлоқ тузатиш ишига жўнатишди. Вячеслов Николаевичга кўприкли кран ишониб топширилди. Афсуски у ишончни оқламади. Липитников қиттак-қиттак қилиб олганида бу улкан кран қаққайиб турганича тураверди. Бир куни заводга маст ҳолда кириб келди ва кран кабинасига ўтирди... уни рельсдан чиқариб юборди.

Безорининг мастлиги туфайли яроқсиз ҳолга келган кран уч кун беҳуда турди. У эса бу пайтда ҳушёрхонада «дам» оларди. Липитниковга 300 сўм жарима солинди. Ҳолбуки, Липитников заводдаги танҳо ичкиликбоз эмас. Директорнинг ҳисоб-китобига қараганда бундайлар корхонада 80 киши. Афсуски, улар билан профилактика ишлари олиб борилмаяпти, оилаларида эса ҳеч ким бўлмайди, уларни даволашга жўнатиш тўғрисида ҳеч ким қайғурмайди. Тўғри, Липитниковнинг қилмиши ҳушёрхонада таҳлил қилингач, дарҳол наркологик диспансерга олиб борилди, даволаниб чиққач, унга жазо тариқасида аниқ чоралар кўрилади.

● Собир Раҳимов районидаги 4-поликлиника бош врачи С. А. Аъзамовнинг кабинетига **Баҳодир Абдураҳмонов** биринчи марта келганида жуда яхши таассурот қолдирган эди: ёш, жуда мулойим, тўрт йил муқаддам Тошкент медицина институтини тугатган...

— Мана уч ойдирки, ўзимга яраша иш қидиряпман. Аммо менга ёқадигани чиқмаяпти. Балки сизда дурустроқ иш бордир.

Поликлиника қошидаги 31-амбулаторияда врач-стоматологнинг бўш ўрни ҳақиқатан ҳам бор эди. Хуллас ёш мутахассис ишга тушди. Кунларнинг бирида стоматолог йўқолиб қолди. Уни ҳушёрхонадан топишди. Бинобарин Абдураҳмонов бу ерга икки марта —2 ва 6 июнларда «ташриф» буюрган экан. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Айтгандек, биринчи таассурот алдамчи бўлар экан. У уятчан, маданий киши қиёфасида ўзининг алдоқчи ва ўта ичкиликбоз эканлигини яширган экан. Нима учун маъмурият, касаба союз ташкилоти Абдураҳмоновнинг тўрт йил мобайнида тўрт марта иш жойини ўзгартирганлиги билан қизиқмади?! Зотан, Абдураҳмоновнинг аввалги ишхонасига қўнғироқ қилиб, унинг шахсий ҳаёти билан қизиқиш мумкин эди-ку! Аммо бундай қилинмади. Аксинча, уни ишдан бўшатиш масаласи зудлик билан ҳал қилинди. Балки поликлиника маъмурияти тўғри қилгандир. Аммо эртага Абдураҳмонов бошқа бир жойга иш излаб боради-ку! Демак, бу кишини тарбиялаш, оёққа турғазиш билан бошқалар шуғулланади. Шу билан 4-поликлиника коллективи бу ишдан қўлини осонгина ювиб қутилади.

● **Станислав Иванович Киреев** қачонлардир осмон лочини — ҳарбий учувчи бўлган эди. Рафиқаси Нина Васильевна у билан бахтли эди. Ҳозир унинг фамилиясида эканидан уялярти. Зеро, «Узтрансстрой»нинг у бўлим бошлиғи бўлиб ишлаётган ишчилар таъминоти бошқармасида унинг ҳақида меҳнаткаш, хушмуомала, хушфеъл каби мақтов сўзларини айтишади.

Станислав Иванович эса ўзи граждан мудофааси бўйича инженер бўлиб ишлаётган «Узтрансэкспедиция»нинг кўп минг кишилик коллективига панд берди, ундан ҳақли равишда фахрланишлари лозим бўлган рафиқаси ва балоғатга етган болаларининг юзини ерга қаратди. Лекин ичкилик ўз ишини қилди. Ана шу кишилар саломатлигига зиён етказувчи оғу аҳил ва ўзига тўқ оила устуни дарз кетишига сабабчи бўлди. Бинобарин фақат Станислав Ивановичнинг ўзи яхшигина топади: пенсияси ва маошини қўшганда уч юз сўмдан ошади. Бу кишига нима етмади, экан?

Ҳушёрхонадан олиб келинган Киреевнинг қилмиши муҳокама этилган «Узтрансэкспедиция» коллективининг очиқ йиғилишида шу ҳақда гапирилди. Уртоқлари Киреевнинг «саргузашти»ни принципиал баҳолашди: унга КПСС аъзолиги учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди. У 1985 йил учун ўн учинчи маошни қўшган ҳолда барча мукофотлардан маҳрум этилди, отпускаси қиш даврига кўчирилди. Шундай қарор қабул қилинди: агар Киреев яна сал-пал маст ҳолда ишга келиши такрорланса, меҳнат Қонунлари кодексининг тегишли бандига биноан ишдан бўшатилади.

● **Ю. М. Скорняков** — «Гидрогеотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери — ўзига ишончи раҳбар.

Бу ҳушёрхонадаги аниқлаш вақтида айниқса яққол ҳис этилди. Бу ерда у ўсмирлик даврида дўстлари билан бўлган базми-жамшиддан сўнг келтирилган экан. Собиқ курсдошлар билан учрашув сабаб бўлган базм кўнгилсиз тугади. Скорняков учун кўнгилсиз тугаганлиги аниқ. Аммо бош инженер ўзини бегуноҳ ҳисоблайди. Ўз қўл остидагиларга қандай намуна кўрсатаётганлигини, коллектив унинг бу қилмишини қандай қабул қилишини эса ўйламайди. Ҳушёрхонада биз Скорняковдан қизиқиб сўрадик:

— Коллективингизда республика Олий Совети Президиумининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳокама қилиндими?

— Албатта! Бизда ҳаттоки махсус комиссия ташкил этилган, мен чамаси ана шу комиссия аъзоси бўлсам керак...

Рейд бригадаси пивохоналар ва вино барлари, кафе ва кафетерийлар спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларига қандай риоя қилаётганлигини ҳам текширди.

● Пионер кўчасидаги пиво бари одамлар билан лиқ тўла экан. Аммо суратга олиш кино камералари ва фотообъективлар уларга қаратилганлигини кўрган аксарият пивохўрлар жуфтакни ростлабгина қолмай, девордан ошиб ўтишда, баландликка сакраш бўйича ўз маҳоратларини ҳам намойиш этдилар. Аммо барнинг айрим мижозларини журналистлар кириб келганлиги ҳам безовта қилгани йўқ. 141-автотранспорт корхонасининг ҳайдовчиси **Р. Иномов,** ТошПИ тоғ-металлургия факультетининг диплом ёқловчиси **О. Зякин** ва «Узпромвентиляция» монтаж бошқармасининг слесари **В. Каранов** пиво кўпигини пуфлаб, дилкаш суҳбатни давом эттиришарди. Ана шу ёш йигитларни бир стол атрофига има жамлаган экан?! Маълум бўлишича, улар пиво мухлислари экан. Студент шу йўсинда диплом лойиҳасини ҳимоя қилишга самарали тараддуд кўраётгандир. Ҳайдовчи эса эртанги рейс олдидан шундай «ҳордиқ» чиқармоқда. Слесарь эса ҳарбий комиссариатга справка элтиш учун ишдан махсус жўнатилган экан....

● Тегишли рўйхатномаси йўқлиги туфайли спиртли ичимликлар билан савдо қилгани учун Фарҳод бозоридаги «Тоҳир» кафеси ёпиб қўйилган эди. Аммо унинг ёнидаги «Зуҳра» кафеси эса товар оборотн планини дўндираяпти. Рухсатномаси ҳам бор. Тўғри, прейскурантда ароқ билан савдо қилиш кўзда тутилган. Тез медицина ёрдами хизмати махсус автокорхонасининг уч ҳайдовчиси **А. Галин, А. Эсметов** ва **М. Турсунов** ўзларини эркин ҳис этишмоқда. Улар гастрономдан сотиб олган ароқларини бафуржа кафеда ичиб ўтиришган экан. Улар ўтирган стол «Спиртли ичимликларни олиб келиш ва ичиш қатъиян ман этилади» деган ёзувнинг рўпарасига жойлашган эди.

● Чилонзор район улгуржи-чакана савдо идорасининг 16-винo бари ҳам гавжум. Бу ерда ранг-баранг ассортиментдаги винолар бор. Сотувчилар **В. Чуркина** ва **Н. Цаналова**ларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бар мудири **М. Исроилов** эса ўз қўл остидагиларнинг чаққон ишини фахр билан кузатаяпти. Бар ходимлари фаолиятига раҳна солувчи биргина «лекин»и бор: уларнинг спиртли ичимликлар билан савдо қилишга рухсат берувчи тегишли ҳужжатлари йўқ. Шу ҳақда милиция ходимлари 8 июнь куни биринчи протоколни тузишган бўлишига қарамай 10 июнь куни ҳам ичимликлар билан савдо қилиш давом этарди. Ваҳоланки, бар яқинида муассасалар, чет тиллар институти ва бошқа ташкилотлар жойлашган.

Ходимлари ҳушёрхонага тушган корхона ва ташкилотлар ичкиликбозларга нисбатан принципиаллик кўрсатиб, йиғилишларда уларга нисбатан қаттиқ маъмурий тартиб-чораларни кўрдилар.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газета редакцияларининг, Ўзбекистон телевидениеси, «Ташкентская правда»нинг рейд бригадаси.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газета редакцияларининг, Ўзбекистон телевидениеси, «Ташкентская правда»нинг қўшма рейди тўғрисидаги телевизион кўрсатувни 17 июнь куни Ўзбекистон телевидениесининг иккинчи программаси орқали соат 20.20 да кўришингиз мумкин.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ЧИРОҚ ЁҚИБ ТОПОЛМАЙСИЗ»

Газетанинг шу йил 26 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада магазинларда 11 ва 12-размерли калишлар йўқлиги танқид қилинган эди. Шаҳар савдо Бош бошқармасидан жавоб олинди:

Чиндан ҳам шаҳар мониндан қониқарсиз савдо ташкилотларининг бажарилганн сабабли буюртмаси Тошкент областлараро базаси тонночи, «Ташобувьторг» 1984 йилнинг IV кварталн учун 240 минг сўмлик калишга буюртма берганн ҳолда бор-йўғи 3,8 минг сўмлик ажратилган. 1985 йилнинг 1 кварталида 300 минг сўмлик буюртма берилганн ҳолда 150,5 минг сўмлик қалиш ажратилган.

Айни пайтда маълум қиламизки, «жерси» материалидан тикиладиган эркаклар пальтоси ҳозирги пайтда харидорлар талаби йўқлиги сабабли ишлаб чиқарилган ва сотувга чиқарилмаяпти.

«АҲОЛИ НЕГА САРСОН»

Газетанинг шу йил 18 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола берилиб унда 9-маршрутдаги автобуслар йўловчиларга қониқарсиз хизмат кўрсатаётганлиги танқид қилинган эди. Редакция ана шу мақолага «Главташпассавтотранс» бошқармасидан қуйидаги жавобни олди:

Ҳақиқатан ҳам мақолада кўрсатилган фактлар тўғри. Баъзи кунларн автобуслар маршрутларга кам миқдорда чиқарилган. Мақола 8-автобус паркининг 9-маршрут ҳайдовчиларн билан ўтказилган йиғилишда кўриб чиқилди. Ҳозир ана шу маршрут ишини яхшилаш бўйича назорат ўрнатилди. 9-маршрут бўйича масъул қилиб эксплуатация бўйича директор ўринбосари А. Якубовский тайинланди.



Узбекистон ССР Фанлар академиясининг геология ва геофизика институти ходимлари республикамиз территориясидаги фойдали қазилмаларнинг манбанини қунт билан ўрганишмоқда. Кўп йиллик олиб борилган илмий кузатишлар туфайли бир қатор минерал хом ашёлар манбан топилди.

СУРАТДА: институт бўлим бошлиғи, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, минералогия фанлари доктори, профессор, Беруний номли республика Давлат мукофотининг лауреати О. А. Борисов ва илмий ходим Д. Маъзумовалар олинган материалларни ўрганишмоқда.

В. Сироткин фотоси.

• МАКТАБ ИСЛОҲОТИ— АМАЛДА

Шартнома кучга киряпти

КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақида»ги қарори эълон қилинганига бир йилдан ошди. Ўрта мактаб ва ҳунар мактабларининг ёрқин истиқболлари белгилаб берилган бу муҳим қарорда ўқувчиларга меҳнат таълими, тарбияси бериш, уларни касб танлашга ўргатишни яхшироқ йўлга қўйиш мақсадида ҳар бир мактаб ва ҳунар техника билим юртини базавий, корхона, ташкилот, муассасага биркитиб қўйиш таъкидланган. «СССР ва иттифоқдош республикаларнинг министрликлари ҳамда идоралари ўзларига қарашли корхоналарда, ташкилот ва муассасаларда ўқувчиларга меҳнат таълими бериш учун зарур шароитни яратсинлар, — дейилган қарорда. —Шу мақсад учун асбоб-ускуналар, иш жойи, малакали кадрлар, хом ашё ва материаллар ажратилсин, ўқувчиларнинг меҳнати пухта ташкил этилиши таъминлансин».

Шаҳримиздаги «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи КПСС Марказий Комитетининг бу кўрсатмаларини амалга ошириш йўлида яхши ишлар қилаяпти. Корхона оталиғидаги уч мактаб ўқувчиларининг ишлаб чиқаришга қўшадиган ҳиссаси яқин келажакда ҳақиқатга айланади. Буни шундан билса бўладики, «Средазкабель» бирлашмаси ва райондаги 27, 113, 187-мактаблар ўртасидаги уларнинг ҳар бирида телефон кабели тайёрланадиган ишлаб чиқариш участкаси ташкил этиш тўғрисида шартномалар тузилди. Корхонада 1980 йилнинг 29 мартида чиқарилган буйруққа биноан зарур ускуналар, инвентар ва асбоблар сотиб олиш учун 8 минг сўм ажратилди. Бош мутахассислар — технолог, конструктор, техника назорати бўлими хизматлари, ностандарт ускуналар цехи бошлиғига мактаб участкаларида зарур маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган чизмалар, технологик хариталар, инструкциялар, нормативлар ишлаб чиқиш, ускуналар тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди.

Йил мобайнида «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, мактаблараро комбинат ва бирлашма оталиғидаги мактабларнинг ҳамкорликда ишлаши бўйича тасдиқланган тадбирларни амалга оширишга йўлидан бориб, мактаблардаги устахоналар ўқувчиларни слесарь, токарь, ўровчи, парма ловчи касбларига ўргатишни ҳисобга олиб қўшимча жиҳозланади.

Ишчи касбларни тариб этиш учун цехларда ва мактабларда меҳнат илғорлари, ишлаб чиқариш ветеранлари, новаторлар ва мураббийлар билан учрашувлар ташкил этилади.

Н. СКРИПЛЕВ,
кўп нусхали «Электрификацию» газетаси редактори.

Ўктам УСМОНОВ



РОМАНДАН ПАРЧАЛАР

— Тўртинчи йил деяпсиз... армияга олишмадими!

— Ревматизмим бор, дедим-ку...

